ISSN:3030-332X
Impact factor: 9,493
International journal of scientific researchers

ИНСОН АЪЗОЛАРИ “ОЛДИ-СОТДИСИ”ДАН “НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ”ГА: ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАҚИҚНИНГ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЗАРУРАТИ

Мухиддинов Бобур Ҳикмат ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.24033870

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 133¹-моддасида назарда тутилган инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси жиноятининг объектив томони ноқонуний айланманинг реал механизмини тўлиқ қамраб олмаслиги асослаб берилган. Суд амалиёти, ижтимоий сўров натижалари, Германия, Швейцария, Аргентина қонунчилиги ҳамда Европа Кенгашининг Инсон аъзолари савдосига қарши конвенцияси таҳлили асосида донорни қидириш, ёллаш, манфаат эвазига воситачилик қилиш, аъзони топшириш, қабул қилиш ва сақлашни ҳам қамраб олувчи “ноқонуний айланма” модели таклиф этилган. Шунингдек, сохта ҳужжатлардан фойдаланишни квалификацияловчи белги сифатида белгилаш орқали ЖК 228-моддаси билан ортиқча квалификациянинг олдини олиш масаласи кўриб чиқилган.
Калит сўзлар: инсон аъзолари, олди-сотди, ноқонуний айланма, воситачилик, донорни ёллаш, иштирокчилик, сохта ҳужжат, Европа Кенгаши конвенцияси, Истанбул декларацияси.

Аннотация. В статье обосновывается, что объективная сторона купли-продажи органов и (или) тканей человека, предусмотренной статьей 133¹ Уголовного кодекса Республики Узбекистан, не охватывает реального механизма незаконного оборота. На основе судебной практики, результатов социологического опроса, законодательства Германии, Швейцарии, Аргентины и Конвенции Совета Европы против торговли органами человека предложена модель «незаконного оборота», охватывающая поиск и вербовку донора, посредничество за вознаграждение, передачу, получение и хранение органа. Рассмотрен также вопрос об избежании излишней квалификации по статье 228 УК путем закрепления использования поддельных документов в качестве квалифицирующего признака.
Ключевые слова: органы человека, купля-продажа, незаконный оборот, посредничество, вербовка донора, соучастие, поддельный документ, Конвенция Совета Европы, Стамбульская декларация.

Abstract. The article argues that the objective element of the sale and purchase of human organs and (or) tissues under Article 133¹ of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan does not cover the real mechanism of illicit trafficking. Drawing on case law, survey results, the legislation of Germany, Switzerland and Argentina and the Council of Europe Convention against Trafficking in Human Organs, it proposes an “illicit trafficking” model covering searching for and recruiting donors, brokering for profit, and transferring, receiving and storing organs. It also addresses avoiding excessive cumulative charges under Article 228 by making the use of forged documents an aggravating element.
Keywords: human organs, sale and purchase, illicit trafficking, brokering, donor recruitment, complicity, forged document, Council of Europe Convention, Declaration of Istanbul.

Кириш

Трансплантация эҳтиёжи билан қонуний донорлик имкониятлари ўртасидаги номутаносиблик дунё миқёсида “қора бозор”нинг шаклланишига олиб келмоқда. Халқаро баҳоларга кўра, қонуний трансплантация амалиёти мавжуд эҳтиёжнинг атиги 10 фоизини қоплайди[1], ҳар йили эса тахминан 10–12 минг ноқонуний буйрак трансплантацияси амалга оширилади[2]. Бундай шароитда жиноят-ҳуқуқий тақиқнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг ноқонуний бозорнинг қайси бўғинларини қамраб олишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 133[1]-моддаси инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси учун жавобгарликни белгилайди. Ушбу норма “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси билан боғлиқ бўлиб, унда жисмоний ва юридик шахсларга инсон аъзолари ва тўқималарининг олди-сотдиси қатъий тақиқланган[3]. Мазкур мақолада “олди-сотди” конструкцияси ноқонуний айланманинг замонавий шаклларига қай даражада мос келиши таҳлил қилинади.

“Олди-сотди” тушунчасининг чекланганлиги

Фуқаролик-ҳуқуқий маънода олди-сотди муайян объектни ҳақ эвазига бир шахсдан иккинчисига ўтказишга қаратилган якуний битимни англатади. Инсон аъзолари ва тўқималари эса мулкий муомала объекти эмас, балки инсон қадри билан узвий боғлиқ биологик неъматдир; шу сабабли улар билан ҳар қандай ҳақ эвазига муомала қонун чиқарувчи томонидан инкор этилган. Бироқ жиноят қонунида айнан фуқаролик-ҳуқуқий “олди-сотди” атамасидан фойдаланилиши тақиқнинг доирасини беихтиёр торайтиради.

Реал воқеликда ноқонуний айланма битимдан анча олдин бошланади: донорни қидириш, уни кўндириш, манфаатдор шахслар билан боғлаш, тиббий ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш, молиявий келишувга эришиш ва операцияни ташкил этиш. Бу босқичлар кўпинча турли шахслар ўртасида тақсимланади. Донорни топган ёки уни реципиент билан боғлаган воситачи формал жиҳатдан олди-сотди битимининг тарафи эмас, лекин функционал нуқтаи назардан айнан унинг ҳаракатлари ноқонуний айланманинг юзага келишини таъминлайди.

Суд амалиёти буни тасдиқлайди. Косонсой туман суди кўрган ишда судланувчи Б. бир неча шахслар билан тил бириктириб, донор топиш, уни ишонтириш, ҳужжатлар тайёрлаш ва операцияни ташкил этиш вазифаларини ўзаро тақсимлаган ҳолда фуқаронинг буйрагини тахминан 6 500 АҚШ доллари эвазига бошқа шахсга етказиб беришни режалаштирган[4]. Бу мисолда жиноят олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида гуруҳ тарзида содир этилгани кўринади.

Тадқиқот доирасида ўтказилган сўров натижалари ҳам ушбу хулосани тасдиқлайди: респондентларнинг 78,9 фоизи бундай жиноятлар амалда гуруҳ бўлиб, вазифалар тақсимоти

---

[1]Trafficking in Human Organs: An Overview. URL: https://lop.parl.ca/sites/PublicWebsite/default/en_CA/ResearchPublications/202083E.

[2]Selling Organs to Make Ends Meet: How Poverty Drives the Illegal Organ Trade and the Ethicality of Legalization. URL: https://www.wlu.edu/mudd-center/mudd-undergraduate-journal-of-ethics/volume-10-spring-2025/selling-organs-to-make-ends-meet.

[3]Ўзбекистон Республикасининг “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги Қонуни, 11.05.2022 йилдаги ЎРҚ-768-сон. URL: https://lex.uz/docs/6001286.

[4]Жиноят ишлари бўйича Косонсой туман суди. Иш рақами: 1-1603-2401/115. URL: https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

асосида содир этилишини, 71,2 фоизи амалдаги 133[1]-модда диспозицияси жиноятнинг барча босқичларини қамраб олмаётганини қайд этган; 74,6 фоизи эса моддани воситачилик, ёллаш ва ташкилий ҳаракатларни ҳам қамраб оладиган тарзда кенгайтириш зарур деб ҳисоблаган[5].

Хорижий доктринада ҳам шунга ўхшаш хулосалар илгари сурилган. Д.А. Гришин ва М.А. Хомякова аъзолар билан боғлиқ муносабатлар битта "олди-сотди" ҳаракати билан чекланмай, бир неча босқичли мураккаб жараён эканини ва жиноят қонунида уни тўлиқ қамраб олувчи таркиб йўқлиги жавобгарликни тўғри қўллашга тўсқинлик қилишини таъкидлайдилар[6]. В.В. Шавловская эса бу ҳодисани кўпинча одам савдоси, ноқонуний миграция ва одам ўғирлаш билан боғлиқ ҳолда намоён бўладиган трансмиллий уюшган жиноятчилик шакли сифатида тавсифлайди[7].

Хорижий ва халқаро тажриба

Германиянинг Трансплантация тўғрисидаги қонуни 17-параграфида аъзо ва тўқималар савдоси тақиқланган бўлиб, тақиқ доирасига ноқонуний савдо предмети бўлган аъзони олиш, бошқа шахсга кўчириб ўтказиш ёки ўзига кўчириб ўтказтириш ҳам киритилган. 18-параграфга кўра, бу ҳаракатлар беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан, касб тариқасида содир этилганда эса бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади; суиқасд ҳам жазоланади[8].

Швейцарияда донорликнинг беғаразлиги ва аъзолар савдосининг тақиқланиши Конституциянинг 119а-моддаси даражасида мустаҳкамланган[9]. Трансплантация тўғрисидаги қонуннинг 6-моддаси аъзо бериш эвазига моддий ёки бошқа манфаатни таклиф қилиш, бериш, талаб қилиш ёки қабул қилишни, 7-моддаси эса савдонинг барча босқичларини тақиқлайди; натижада ноқонуний олинган аъзони трансплантация қилган шахс ҳам жавобгарликдан четда қолмайди[10]. Швейцария Федерал соғлиқни сақлаш идораси бу тақиқни донорнинг иқтисодий ночорлигидан фойдаланиш хавфи ва трансплантация тизимига ишончни муҳофаза қилиш зарурати билан изоҳлайди[11].

Биз учун энг қимматли тажриба Аргентинага тегишли. 2018 йилда қабул қилинган 27.447-сонли Қонуннинг 44-моддасида эҳтимолий донорга ёки учинчи шахсга аъзо олиш мақсадида бевосита ёки билвосита манфаат таклиф қилиш, бундай манфаатни қабул қилиш ёки талаб қилиш, шунингдек фойда олиш мақсадида аъзо олинишида воситачилик қилиш учун олти ойдан беш

[5]Тадқиқот давомида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари.

[6]Гришин Д.А., Хомякова М.А. Уголовно-правовой аспект купли-продажи органов и тканей человека // Российское право: образование, практика, наука. – 2018. – №4 (106).

[7]Шавловская В.В. К вопросу о международно-правовой обоснованности криминализации торговли органами и тканями человека // Общество: политика, экономика, право. – 2021. – №8 (97).

[8]Gesetz über die Spende, Entnahme und Übertragung von Organen und Geweben (Transplantationsgesetz – TPG). URL: https://www.gesetze-im-internet.de/tpg/BJNR263100997.html.

[9]Federal Constitution of the Swiss Confederation of 18 April 1999. URL: https://www.fedlex.admin.ch/eli/cc/1999/404/en.

[10]Federal Act on the Transplantation of Organs, Tissues and Cells (Transplantation Act) of 8 October 2004. URL: https://www.fedlex.admin.ch/eli/cc/2007/279/en.

[11]Bundesamt für Gesundheit (BAG). Organhandel: Wer ein Organ kauft oder verkauft, macht sich strafbar. URL: https://www.bag.admin.ch/de/organhandel-ist-strafbar.

йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган[12]. Яъни тақиқ аъзо сотилган пайтдан эмас, балки манфаат таклиф қилиш ва воситачилик босқичиданоқ амал қила бошлайди.

Европа Кенгашининг 2015 йилги Инсон аъзолари савдосига қарши конвенцияси (CETS № 216) мазкур соҳадаги биринчи махсус халқаро жиноят-ҳуқуқий шартномадир. Унинг 4-моддаси донорнинг эркин, англанган ва аниқ розилигисиз ёки донорга ёхуд учинчи шахсга моддий манфаат эвазига аъзо олишни, 5-моддаси ноқонуний олинган аъзолардан фойдаланишни, 7-моддаси эса донор ёки реципиентни манфаат эвазига қидириш ва жалб қилишни криминализация қилишни талаб этади[13]. Конвенцияга шарҳда айнан донор ва реципиентни қидирувчи воситачилар уларни тиббиёт ходимлари билан боғловчи бўғин экани ва бу фаолият ноқонуний савдонинг муҳим элементи эканлиги таъкидланган[14]. Аъзолар савдоси ва трансплантация туризми тўғрисидаги Истанбул декларацияси ҳам ноқонуний айланмани фақат “аъзони сотиш” билан чекламай, донорнинг заиф ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан фойдаланиш ва манфаат эвазига воситачиликни унинг таркибий кўринишлари сифатида баҳолайди[15].

Ноқонуний айланма модели ва унинг ҳуқуқий фильтрлари

Юқоридаги таҳлил асосида амалдаги 133¹-моддани “Инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарининг ноқонуний айланмаси” деб номланган янги норма (тизимли қайта рақамлаштиришда – 115³-модда) сифатида шакллантириш таклиф этилади. Унинг диспозицияси қуйидагича бўлиши мумкин:

“Инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, шунингдек инсонни унинг аъзоси ва (ёки) тўқимасини трансплантация қилиш мақсадида манфаат эвазига ёллаш, топшириш ёки қабул қилиш, инсон аъзоси ва (ёки) тўқимасини ноқонуний сақлаш, шунингдек аъзоси ва (ёки) тўқимасини манфаат эвазига беришга тайёр шахсни қидиришда ёки донор ва реципиент ўртасида келишувга эришишда манфаат эвазига воситачилик қилиш, – ...”

Бу ерда муҳим масала – тақиқни ҳаддан ташқари кенгайтириб юбормасликдир. Ҳар қандай донор қидириш ёки тиббий воситачилик жиноят эмас: қонуний трансплантация тизимида координаторлик, донорларни рўйхатга олиш ва тиббиёт муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик мавжуд. Шу боис таклиф этилаётган нормада учта белги ҳуқуқий фильтр вазифасини бажаради: ҳаракатнинг “ноқонуний” бўлиши, “манфаат эвазига” содир этилиши ва “трансплантация мақсадида”лиги. Ушбу белгиларнинг биргаликда мавжудлиги жиноий қилмишни қонуний тиббий фаолиятдан ажратиб туради.

Квалификацияловчи белгилар ва сохта ҳужжатлар муаммоси

Ноқонуний айланманинг ижтимоий хавфлилиги унинг ташкил этилиш усули, иштирокчилар сони ва жабрланувчининг ҳолатига қараб кескин фарқ қилади. Амалдаги 133¹-моддада бу дифференциация етарли эмас. Шу сабабли қуйидаги квалификацияловчи белгиларни назарда

[12]Ley 27.447. Ley de Trasplante de Órganos, Tejidos y Células. Honorable Congreso de la Nación Argentina, 4 de julio de 2018. URL: https://www.argentina.gob.ar/normativa/nacional/ley-27447-312715/texto.

[13]Council of Europe Convention against Trafficking in Human Organs. Santiago de Compostela, 25 March 2015. CETS No. 216. URL: https://www.coe.int/en/web/trafficking-human-organs/the-convention.

[14]Handbook for Parliamentarians: The Council of Europe Convention against Trafficking in Human Organs (CETS No. 216). URL: https://assembly.coe.int/LifeRay/SOC/Pdf/DocsAndDecs/STCE216-Handbook-EN.pdf.

[15]The Declaration of Istanbul on Organ Trafficking and Transplant Tourism (2018 Edition). URL: https://www.declarationofistanbul.org/images/documents/doi_2018_English.pdf.

тутиш мақсадга мувофиқ: такроран; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; хизмат мавқеидан фойдаланиб; қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда; вояга етмаган, ожиз аҳволдаги, ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган ёки айбдорга моддий, хизмат ёхуд бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан. Уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этиш эса алоҳида квалификацияловчи белги бўлиши лозим. Бу ёндашув Қозоғистон Жиноят кодексининг 116-моддасидаги кенг қамровли квалификацияловчи белгилар тизими билан ҳам ҳамоҳангдир[16].

Сохта ҳужжатлар масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Косонсой туман судининг юқорида қайд этилган ишида донор ва реципиент ўртасида қариндошлик мавжуддек кўрсатиш учун сохта гувоҳномалар ва тиббий ҳужжатлар тайёрланган, айбдорларнинг ҳаракатлари эса ЖК 228-моддаси билан қўшимча квалификация қилинган[17]. Бироқ бундай ҳолатда ҳужжатни сохталаштириш мустақил жиноий мақсад эмас, балки аъзони ноқонуний айланмага киритишнинг функционал элементидир. ЖК 135-моддасида одам савдоси учун қўлланилган қонунчилик техникаси – қалбаки ҳужжатлардан фойдаланишни таркибнинг ўзида оғирлаштирувчи белги сифатида акс эттириш – бу масалани ҳал этишнинг мақбул намунасидир[18].

Шунга кўра, агар сохта ҳужжат фақат ноқонуний айланмани амалга ошириш воситаси бўлиб, квалификацияловчи белги билан тўлиқ қамраб олинса, қилмишни 228-модда билан қўшимча квалификация қилишга эҳтиёж қолмайди. Аксинча, ҳужжатни сохталаштириш мустақил мақсадга эга бўлса ёки бошқа муносабатларга алоҳида зарар етказса, жиноятлар жами бўйича квалификация сақланиб қолиши лозим. Бу чегара бир белги учун икки марта жавобгарликнинг олдини олади ва мустақил қилмишнинг жазосиз қолишига ҳам йўл қўймайди.

Хулоса

Амалдаги 133[1]-модда ноқонуний айланманинг фақат якуний бўғини – олди-сотди битимини жиноят сифатида белгилайди, ҳолбуки жиноий механизм донорни қидириш ва ёллашдан бошланади ҳамда воситачилик, ҳужжатлаштириш ва аъзони топшириш-қабул қилиш орқали давом этади. Германия, Швейцария ва Аргентина қонунчилиги, Европа Кенгашининг 216-сонли конвенцияси ва Истанбул декларацияси жиноят-ҳуқуқий таъсирни айнан шу бутун занжирга қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Шу боис “олди-сотди” ўрнига “ноқонуний айланма” тушунчасига асосланган норма қабул қилиш, унда “ноқонуний”, “манфаат эвазига” ва “трансплантация мақсадида” белгиларини ҳуқуқий фильтр сифатида белгилаш, гуруҳ, хизмат мавқеи, қалбаки ҳужжатлар ва жабрланувчининг заиф ҳолатини квалификацияловчи белгилар сифатида назарда тутиш таклиф этилади. Бу таклифлар миллий қонунчиликни халқаро стандартларга яқинлаштиради, жиноятнинг барча иштирокчиларини жавобгарликка тортиш имконини беради ва квалификацияда ягона амалиётни шакллантиришга хизмат қилади.

[16]Уголовный кодекс Республики Казахстан. URL: https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226.

[17]Жиноят ишлари бўйича Косонсой туман суди. Иш рақами: 1-1603-2401/115. URL: https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

[18]Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. URL: https://lex.uz/acts/111453.